

Инглиз ва Ўзбек тилларида тасвирий ифодалар берилишининг лингвокултурологик хусусиятлари.

Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишнинг миллий асосдаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни тезлаштиришимиз керак». Юртимизда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишда янги методдаги дарсликлар ва янгича дастурлар ишлаб чиқишни таказо этмоқда. Ҳар бир чет тилини ўрганиш яратилаётган дарслик ва дастур миллий асосларни ҳисобга олган ҳолда яратилиши керак бўлади. Бунинг учун эса, албатта, ўша ўрганилаётган тилнинг имкониятларини очиб бериш керак бўлади. Шу ўринда, тилшунослик олдидаги долзарб вазифалардан бири ҳар иккала тилни қиёслаб, улардаги ўхшаш ва фарқли томонларини очиб беришдир.

Фразеология фан сифатида ўтган юз йилликнинг 40-йилларидан ўрганила бошланди. Фразеология тилшуносликнинг мустақил бўлими сифатида шаклланишида рус академиги В.В.Виноградовнинг илмий ишлари катта аҳамиятга эга. Ўзбек фразеологиясида биринчи ишлар ўтган асрнинг 50-йилларида пайдо булди.

Бунга мисол тариқасида Ш.Раҳматуллаев, Я.Р.Пинхасов, А.Шомақсудов, М.Хусаиновларнинг номзодлик диссертацияларини кўрсатишимиз мумкин. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, бу ишларнинг кўпчилик қисмида ўзбек фразеолок бирликлари академик В.В.Виноградовнинг структуравий-семантик классификациясига таянган ҳолда таҳлил қилинади, яъни улар фразеологик бирикмалар, чатишмаларга бўлинади.

Аммо, шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, ўзбек тилшунослигида фразеологияни ўрганишга бағишланган илмий ишлар салмоқли улушни ташкил этади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бир қатор илмий ишларда ўзбек фразеологиясига доир масалалар кўриб чиқилган.

Бизга маълумки, умумий фразеология масалаларида долзарб мавзулардан бири бу турғун бирикмаларнинг семантик-грамматик хусусиятлари ҳисобланади. Бу муаммо тўғрисида ўзбек тилшунослигида бир нечта мақолалар нашр қилинган.

Турғун сўз бирикмалари яшашда лексик фразеологизмларнинг фаоллиги ва колоқлиги олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Бу фаоллик нималарга боғлиқлигини бир неча факторлар ёрдамида келтириш мумкин.

Кузатишлар шуни кўрсатади-ки, фразеологик бирликлар (ФБ) ҳосил қилишда қуйидаги факторлар муҳим роль ўйнайди:

1. Бир сўзни иккинчиси билан алмаштириш.

Бу ерда шу нарсани ҳисобга олиш керакки, агарда ўрнини босувчи сўз умумий маъно билан боғлиқ бўлса, алмаштириладиган сўз, шу умумий маънони берувчи сўзнинг бир қисми бўлиб жойлашади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бу синекдоха (вазифадошлик)нинг пайдо бўлишидир. Масалан, ўзбек тилидаги *беш қўл бирдек эмас* иборасини олиб кўрадиган бўлсак, бу фразеологизмда қўл сўзи бармоқ сўзини ўрнини босиб келяпти. (Битта одамда бешта қўл бўлмайди-ку). Агарда бундай алмаштириш бирор-бир лексик соматизмни фразеологик бирлик (ФБ) фразема яшашда фаоллигини оширса, бошқа соматизм эса яъни ўрнини бўшатадиган, фразеологик бирлик (ФБ) яшашда кам ишлатилади. Бундан шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, бирор-бир лексик соматизмнинг фразеологик бирлик (ФБ) яшашда фаол қатнашиши, бошқа лексик соматизмнинг кам ишлатилишига сабаб бўлади.

2. Фразеологизмларнинг стилистик жиҳатдан қўлланилиши.

Ўзбек тилида шевалар, оғзаки нутқ ва ҳатто жаргонлар ҳам фразеологизмларга бой. Масалан, карта ўйновчилар (қиморбозлар) жарғонида ҳам бир неча фразеологизмлар учрайди. *Қўл* лексик соматизми билан 15 та фразеологизм аниқланган. Масалан, *тўрт қўл ўйнамоқ* маъноси:

1.тўрт марта ўйнамоқ; 2.тўрт киши бўлиб ўйнамоқ;.

Қўли зўр, *қўли яхши* маъноси: ўйновчининг қўлида яхши карталар бор: *қўли юрди* маъноси: ютишни бошлади, ютди ва бошқаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Фразеологизмларнинг грамматик хусусиятлари уларнинг тузилиши ва синтактик роли Ш.У.Рахматуллаев, К.К.Хаитметов,

Э.Умаровларнинг ишларида жуда яхши ёритиб берилган. Айниқса, Ш.У.Рахматуллаевнинг "Фразеологиянинг баъзи масалалари" китобида фразеология тушунчаси хусусида қуйидаги фикрлар келтирилган:

Фраземанинг воқеъликка нисбат берилувчи луғавий мазмуни (ниманидир номлаши, ифодалаши) фразеологик маъно дейилади. Масалан, туянинг калласидай фраземаси нарсанинг сифат белгисини («ҳажмли, одатдагидан анча катта, йирик»), юрак-бағри қон бўлиб кетди фраземаси эса кишининг ҳолатини (дилтанг бўлмоқ, зик бўлмоқ)ни англатади: Қовунга қаранг, ҳар бири туянинг калласидай. Жуда сараланган (О). Юрак-бағрим қон бўлиб кетди,... эртадан бери ёлғиз ўтирибман. (О). Фразеологик маъно таркибини семантик жиҳатдан таҳлил қилиш асосида ҳам идеографик семалар ажратилади. Масалан, таъб(и) хира фраземаси сифатларнинг руҳий ҳолат билдирувчи лексик-семантик гуруҳига мансуб, бу гуруҳ сифатларнинг луғавий маъноси таркибида «кайфият», «эмоциянинг ижобий-салбийлиги», «эмоциянинг кучли-кучсизлиги» семалари билан ажратилади. Ана шу идеографик семалар асосида юқоридаги фраземанинг маъносини «кайфияти бир оз ёмон ҳолатда» деб таърифлаш мумкин.

Фраземадан яхлитлигига англатиладиган маъно билан унинг таркибидаги лексемалар англатадиган маънолар орасидаги муносабат асосида фраземаларнинг икки семантик тури фарқ қилинади: 1) фразеологик бутунлик 2) фразеологик чатишма. Маъноси таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳланадиган, шу лексик маъноларнинг умумий маҳорати сифатида гавдаланадиган фразема фразеологик бутунлик дейилади. Мисоллар: Ҳали нима бўлади, нима йўқ- Тўйдан илгари ногора чалаверади бўлар. (Х.Х). Қуйидаги мисолларни қиёсланг: 1) Турғун ота узоқ бош қашир, кейин бирдан енгин шимарар. (О) 2) Шундай қилиб, Тойибойнинг раислик даври тамом бўлди. Ойимхон Советнинг печатини ундан олиб, кўкрак чўнтагига солиб қўйди. Ойимхон енг шимариб, иш бошлади. (П.Т).

Биринчи мисолдаги *енг шимармоқ*-эркин боғланма: уни ташкил этувчи *енг* ва *шимармоқ* лексемалари ўз лексик маъно мустақиллигини сақлаган ҳолда

боғланиб келган. Иккинчи мисолдаги *енг шимармоқ* турғун боғланмадир. Чунки бу ўринда *енг* ва *шимармоқ* лексемалари ўз лексик маъно мустақиллигини сақламайди (Бу фразема «астойдил» маъносини англатади). Демак, ушбу фраземанинг таркибидаги лексемаларни ўз мустақил лексик маъносида тушуниб бўлмайди.

Маъноси таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳланмайдиган, бу лексемаларга хос лексик маъноларни ҳисобга олмайдиган фраземага фразеологик чатишма дейилади. Мисоллар: Ҳадеб тўнингизни тескари кияверманг! (Н.С) Борди-ю сиз ҳам тисарилсангиз, сиздан ҳам қўлимни ювиб, қўлтиғимга ураман-у, бошимни олиб хай-ё хайт деб чиқаман-кетаман. (Х.Х). Овчи узоқдан ўпкасини қўлтиқлаб чопиб келди. (Эртакдан).

Кўпгина ҳозирги замон тадқиқотчиларига образлиликни кенг шарҳ қилиниши ва бу тушунчанинг бошқа тушунчалар билан қоришиб кетиши ўзига хос бир белгидир. Маълум бир тадқиқотчилар образлиликни унинг адабий ёки фалсафий тушунилиши билан ифодалайдилар. Шунини таъкидлаш лозимки, фразеология учун образлиликнинг лингвистик борлигини очиб бериш жуда муҳимдир.

Бу хусусда В.Г.Гакнинг изоҳи жуда муҳим саналади. У образлилик ифодаларини уларнинг семантик жиҳатдан иккиланганлигидан келиб чиқади ва лингвистик образлилик механизмини пайдо бўлишига туртки бўлади. Бу изоҳга қўшилган ҳолда шунини айтиш мумкинки, образлилик асосида, “икки расмнинг биргаликдаги кўриниши” улардан бири сўзнинг ёки иборанинг образлилик (ёки кўчма) маънони ҳосил қилади, бошқаси эса унинг оддий бирламчи маъносини беради. Бу икки кўриниш икки турлича маъноларга мос келган ҳолда, бир-бирига таянади, табиийки, образлилик маъноси биринчи ўринда туради. Образлилик маъноси бирламчи маънонинг фрикцияси ҳисобланади, у кейингисининг панасида кўринади. Бу билан шунини изоҳлашимиз мумкинки, сўзнинг образлилик маъносида

ишлатилишида “биз бир вақтнинг ўзида икки хил тушунчани тасаввур қиламиз”

В.Г.Гакнинг шарҳи, албатта, образлиликни лингвистик кўринишига яхши асос ҳисобланади, шу жумладан, фразеологик бирликлардаги образлилик ҳолатига ҳам.

Фразеологик бирликларда образлиликни тўғри тушуниш учун масаланинг барча мураккабликларни ҳисобга олишимиз керак. Бу мураккаблик кўп жиҳатдан шу нарсага боғлиқки, турли хил фразеологизмлар ўзларининг синтактик жиҳатдан эркин бўлган вариантлари билан турлича маънодаги муносабатларда бўлишади. Бундай кўриниш, фразеологик бирликларни семантик жиҳатдан ривожланишининг нотекислиги билан изоҳланади. Бу олдимизга шундай муаммони қўядики, фразеологияда образлилик масаласининг ечими муҳим аҳамият касб этади.

Фразеологизмларда ўзгарувчан нарса бу сўз бўлиб, Ш.Балли бундай сўзларни идентификатор сўз деб атайди. Бундай нуқтаи назар албатта норозилик туғдириши мумкин. Фразеологизмнинг семантик жиҳатдан бир бутунлиги бундай йўл билан аниқланиши мумкин эмас, чунки ўзгарувчан сўз бирикмаси синоним сўзга ҳам эга бўлиши мумкин. Масалан, *look fixedly= to stare; sufferings of mind or body=pain* ва бошқалар. Бундан ташқари, кўпгина фразеологик бирликларда идентификатор –сўз мавжуд эмас, улар ўрнига эса ўзгарувчан сўз бирикмалари идентификатор вазифасини ўташи мумкин. Масалан, *drink like a fish=drink too much; in a small way=on a small scale* ва бошқалар. Шунини таъкидлаш лозимки, мақол ва маталларда, фразеологизмлар гап таркибида фақатгина гап ёрдамида аниқланиши мумкин, масалан, *birds of feather flock together=people who have the same interests, ideas, are attracted to each other and stay close together; the blind leading the blind-a situation in which the person who is leading or advising others knows as little as they do.*

Фразеологик бирликнинг семантик жиҳатдан бир бутунлигини унинг маъноларини компонентларнинг алоҳида битта сўз бўлган маънолари билан

карама-қарши қўйиш орқали аниқлаш ёки унинг матндаги ишлатилиш хусусиятларини ўрганиш орқали билишимиз мумкин.

“Эквивалент сўз” атамасини тилшуносликка Л.В.Шерба киритган. Дарҳақиқат, сўзларнинг тор доирада гуруҳланиши, агарда улар сўз бирикмаси бўлса, битта тушунчани ифодалаши мумкин.

Феълли фразеологик бирликлар билан уларнинг лексик синонимлари орасидаги муносабат-луғавий аниқлаш кўплаб монографик тадқиқотлар мавзуси бўлган. Кўплаб таҳлил қилинган мисолларда, масалан, *draw(pull) a long bow-exaggerate, shake a leg-hurry, split hairs-quibble* шуни кузатишимиз мумкинки, фразеологик бирликлар ва уларнинг лексик синонимлари битта маънони турлича ифода қилишади ва уларни икки хил кўринишда номлашади. Сўз ўз бирламчи маъносида ишлатилса, бу бирламчи номланиш ҳисобланади. Ўзаро маъно алмашинган бирикма иккиламчи номланиш ҳисобланади. “Бу борликдаги тасвирланиш” деган эди Телия(1977).

Кўпгина фразеологизмларда “сўз аниқловчи” ёки лексик синонимлар мажуд эмас. Француз тилидаги фразеологизмлар ва уларнинг лексик синонимлари ҳақида маълумотлар бор.

Ҳисоб-китобларга кўра, француз тилида 22851 фразеологизмдан фақатгина 2867 тасида, яъни 12,5%ида идентификатор сўз бор. (Назарян, 1980,34-бет)